

Нилуфар Файзиева

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ДАВЛАТ КОРХОНАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА МОЛИЯВИЙ БОШҚАРУВ МУАММОЛАРИ

Аннотация. Молиявий бошқарув ҳар қайси олинган корхоналарни молиялаштириш механизмларида алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, молиявий бошқарув тамойиллари ва уни амалга ошириш механизмлари тўғри қўлланилса, молиявий қарорларнинг илмий асослиги таъминланса, ўз-ўзидан кўринадики, корхонанинг молиявий маблағларидан тўғри ва самарали фойдаланишга олиб келади, провардида эса, корхонанинг бошқарув самарадорлигига таъсир этади. Албатта молиявий бошқарув корхонанинг бошқарув тизимида муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан келиб чиқиб, мазкур мақолада давлат мулки ва унинг иштирокидаги корхоналарда молиялаштириш ва молиявий бошқарувнинг ўзига хос хусусиятлари, Ўзбекистонда бу каби корхоналарда молиявий бошқарувнинг ташкил этилганлик ҳолати билан боғлиқ масалалар ёритилган, муаммолар аниқланган ва айрим тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Молиялаштириш, молиявий бошқарув, бошқарув тамойиллари, давлат, корхона, ноль қиймат, бошқарув давлат корхонаси, давлат мулки иштирокидаги корхона, молия, молиялаштириш, дивидент, тижорат мақсад, давлат агентлиги, давлат улуши, сифат менежменти.

Nilufar Fayzieva

Tashkent State University of Economics

PROBLEMS OF FINANCIAL MANAGEMENT IN FINANCING OF STATE ENTERPRISES

Abstract. Financial management is of particular importance in the financing mechanisms of each acquired enterprise. This is because if the principles of financial management and the mechanisms of its implementation are applied correctly, if the scientific basis of financial decisions is provided, it is obvious that it leads to the correct and effective use of financial resources of the enterprise. Of course, financial management plays an important role in the management system of the enterprise. In this regard, the article identifies the specifics of financing and financial management of state-owned enterprises and enterprises with its participation, as well as issues related to the organization of financial management in such enterprises in Uzbekistan.

Key words: Finance, financial management, management trends, state, enterprise, zero cost, state enterprise management, state enterprise, finance, financing, dividends, commercial assignment, government agency, state share, quality management

Кириш

Молиявий бошқарув ҳар қайси олинган корхоналарни молиялаштириш механизмларида алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, молиявий бошқарув тамойиллари ва уни амалга ошириш механизмлари тўғри қўлланилса, молиявий қарорларнинг илмий асослиги таъминланса, ўз-ўзидан кўринадики, корхонанинг молиявий маблағларидан тўғри ва самарали фойдаланишга олиб

келади, провардида эса, корхонанинг бошқарув самарадорлигига таъсир этади. Албатта молиявий бошқарув корхонанинг бошқарув тизимида муҳим аҳамият касб этади.

Давлат бир томондан сиёсий куч сифатида, бошқа томондан ижтимоий муносабатларни мувофиқлаштиришни амалга оширувчи ижтимоий субъект сифатида жамиятни турли хил усулларда тартибга олиб турса, бошқа томонидан сиёсий, ижтимоий ҳамда иқтисодий объектив зарурият сифатида жамиятда тадбиркор сифатида ҳам амал қилади. Савол туғилади, давлат тадбиркорлиги керакми? Бу масалани фойда олишни мақсад қилиб қўйган бошқа субъектлар томонидан амалга оширилса етарли эмасми? Бироқ, шундан иқтисодий фаолият турлари борки, ҳам сиёсий ҳам социал-иқтисодий зарурат сифатида давлат тадбиркор кўринишида фаолият қилишига, ёки ҳамкорликдаги иқтисодий фаолият қилишига эҳтиёж туғилади. Бунга асослар сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин. **Биринчидан**, хусусий сектор томонидан шундай хизмат турлари борки, ёки улар учун норентабил бўлган фаолият турлари мавжудки, бунда давлат иқтисодий фаол субъект сифатида чиқади; **иккинчидан**, мамлакат хавфсизлиги учун муҳим бўлган маҳсулот ва хизмат турлари борки, (масалан, мамлакатнинг хавфсизлиги ва мудофаасини таъминлаш учун курол-яроғ, ҳарбий ва махсус техника, ўқ-дорилар ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сотиш, таъмирлаш, модернизация қилиш ва йўқ қилиш ҳамда бошқа кабилар) уларни ишлаб чиқариш хусусий сектор томонидан амалга ошириш миллий манфаатларга мос келмайди. Бундан ташқари аҳоли соғлигига салбий таъсир қилиш мумкин, аммо миллий иқтисодиёт ва хавфсизлик учун зарур бўлган фаолият яъни, радиоактив моддаларни ишлаб чиқариш, улардан мақсадли фойдаланиш, улардан ясалган маҳсулотларни реализация қилиш, миллий бойлик сифатида қимматбаҳо ва асл металллар қазиб олиш ҳамда уларни сотиш, энг катта тадбиркорлик субъектларининг ҳам қўлидан кела олмайдиган -атом энергетикаси объектларини қуриш ва монтаж қилиш ишларини олиб бориш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни таъмирлаш ва шу каби фаолият турлари борки, бу фаолиятлар иқтисодий фаолият билан боғлиқ бўлиб, бу жараёнда молиявий ресурслардан фойдаланиш зарур бўлади, ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил қилиш лозим бўлади, бухгалтерия ва статистик ҳисоботлари амалга ошириш эҳтиёжи туғилади, бир сўз билан айтганда тадбиркорлик фаолиятига объектив зарурат туғилади, учинчидан, тадбиркорликнинг шундан турлари борки, масалан, бошқаларнинг пул маблағларини жалб этган ҳолда иқтисодий фаолият олиб борадиган акциядорлик жамиятлари каби, фаолияти ҳам тўлиқ хусусий секторга асосланиши иқтисодий жиҳатдан ноқулай бўлган фаолият турлари масалан, геология қидирув, иссиқлик станциялари, аҳолига транспорт хизмати, нефтни қайта ишлаш фаолият, лойиҳалаш, сувқурилиш ва шу каби кўплаб фаолият турлари борки, бундай фаолият билан шуғулланувчи корхоналарни ташкил қилиш давлат ва бошқа мулкчилик шаклидаги корхоналарнинг ҳамкорликдаги фаолиятни тақозо этади, бу эса, давлат

улушидаги тадбиркорликнинг пайдо бўлишига олиб келади демак, давлат тадбиркорлигига иқтисодий зарурат юзага чиқмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, давлат тадбиркорлиги шаклида ёки унинг улуши шаклида фаолият юритадиган корхоналари бошқа хўжалик юритувчи субъектлар сингари, ўз ташкилий-ҳуқуқий шакли жиҳатдан умумий тартибга эга бўлсада, аммо, бу каби корхоналарда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, молиявий ресурслардан фойдаланиш, маҳсулот нарҳини шакллантириш, пул фондларини шакллантириш ва уни тақсимлаш, улуш шаклидаги фаолият бўйича даромад (фойда)ни ўзаро тақсимлаш борасида муҳим фарқли жиҳатлар мавжуд. Ҳар қайси иқтисодий-молиявий фаолиятни туғри амалга ошириш эса, бошқаришни талаб этади, корхоналарнинг иқтисодий фаолиятида эса, молиялаштириш жараёни эса, энг муҳим, қолаверса ҳал қилувчи босқич саналадики, бу молиявий бошқарувни амалга оширишни тақозо этади. Шундай экан, молиявий бошқарув давлат корхоналари ва унинг улуши мавжуд бўлган бошқа корхоналарнинг фаолиятида катта аҳамият касб этади. Демак, давлат корхоналарида молиялаштириш тартибларини тўлақонли амалга ошириш, молиявий ресурслардан туғри ва самарали фойдаланиш учун молиявий бошқарувни амалга ошириш лозим бўлади. Молиявий бошқарувни самарали бўлиши учун эса, унинг хусусиятларини илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этиш заруратини келтириб чиқаради.

Адабиётлар шарҳи

Умуман олганда бошқарув, унинг асосий бўғинларидан бири бўлган молиявий бошқарув билан боғлиқ масалалар, жумладан, давлат корхоналарида молиялаштиришда молиявий бошқарувдан самарали фойдаланиш билан илмий тадқиқот ишлари талайгина илмий тадқиқотчилардан томонидан амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, Ван Хорн Дж. “Основы управления финансами” [1] асарида корхоналарда, шу жумладан, давлат корхоналарида молиявий бошқарувнинг тамойиллари ва функцияларини қўллаш масалалари ёритилган бўлса, В.В.Глухов, М.Месконларнинг илмий тадқиқотларида молиявий бошқарувда иқтисодий таҳлилдан фойдаланиш, молиявий бошқарув самарадорлигини таъминловчи ички ва ташқи омилларнинг таъсирини баҳолаш усуллари ҳақида мулоҳазалар юритилган [2]. К.Кравченконинг тадқиқотларида йирик саноат корхоналарини бошқариш хусусиятлари бошқарув соҳасида қўлланиладиган тамойиллар кўриб чиқилган [3]. Шунингдек, ўзбек олимларидан Б.Э.Тошмуродова иқтисодиётни тартиблашда давлатнинг ва унинг корхоналарида молиявий бошқарув ҳолатлари таҳлил қилинган бўлса [4], С.Э.Элмирзаев эса тадбиркорлик субъектлари билан бир қаторда давлат шаклидаги корхоналарда корпоратив молиявий бошқарув механизмларининг моҳиятига эътибор қаратилган [5].

Бу каби илмий тадқиқот ишларини илмий таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларда барча мулк шаклида молиялаштириш масалалари ва муаммоларида молиявий бошқарувнинг тамойиллари, функциялари, уларда

қўлланиладиган усуллар, таҳлиллар масалаларига кенгрок урғу берилган. Бироқ, Ўзбекистонда давлат корхоналарини бошқариш тизимида кенг ислохотлар амалга оширилаётган ҳамда давлатнинг иқтисодиётга аралашувини кескин қисқартириш ишлари жадаллашган бир шароитда давлат корхоналари ва давлат улуши бўлган корхоналарда молиявий бошқарувнинг қўлланилишига бағишланган илмий тадқиқот ишларига эҳтиж ошиб бормоқда.

Тадқиқот методологияси


Давлат корхоналари ва давлат улуши бўлган корхоналарда молиявий бошқарувнинг хусусиялари ва қонуниятлари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиш бир қатор самарали тадқиқот методологиясидан фойдаланишни тақозо этади. Албатта бунда аввало назарий мушоҳада ҳамда мантиқий ёндошув асосида давлат корхоналарини молиялаштириш ва унда молиявий бошқарувнинг ёндошувларни илмий-назарий таҳлил қилинди. Унга асосланган ҳолда илмий адабиётлар илмий таҳлил қилинди, муаммога оид илмий тадқиқотчилар ва мутахассисларнинг илмий-назарий қарашлари полимикал ўрганилди, бунда умумлаштириш ва гуруҳлаштириш методга асосланди. Расмий ва амалий материалларга асосланган ҳолда синтез ва таҳлил усулларга асосланиб илмий хулосалар олинди, дедукцион ёки индукцион ёндошувга асосан давлат корхоналарини молиялаштириш жараёнида молиявий бошқарувга таъсир этадаган омилларни қуйидан юқорига ва аксинча тартибда тадқиқ этиш имкони туғилди. Мантиқий ва таққослама, абстракт-мантиқий фикрлаш ҳамда статистик усулларни қўллаш орқали комплекс таҳилларга асосланиб илмий-амалий таклифларни шакллантирилди.

Таҳлил ва натижалар

Ҳар қандай даражадаги сиёсатнинг ўзагини асосан бошқарув жараёни ташкил этади. Молия тизими ва унинг таркиби бўлган молиявий сиёсатда ҳам бошқарув жараёни ўзига хос шакл ва усулларга эга бўлади. Молиявий бошқарувнинг мазмуни эса молия сиёсатининг шакллларининг ички хусусиятларидан келиб чиқади. Агар, молия сиёсатининг объектлари бўлган жараён, моддий қийматликлар маълум бир тамойиллар асосида бошқарилмаса, улар стихияли тарзга эга бўлиб, молиявий муносабатларнинг чигаллашуви ва издан чиқишига олиб келади.

Молия тизими нормал ҳолатда фаолият қилиши бу жараённи ташкил қилиш, уни бошқаришнинг механизмларини яратиш, пул фондларини ташкил қилиш, уларни тақсимлаш ҳамда молиявий ресурсларнинг турли фондлар ўртасида мутаносиб айланиши билан боғлиқ таваккалчиликларни бартараф этишга қаратилади. Давлат ўзининг тасарруфидаги корхоналар ва улуши бўлган бошқа корхоналарнинг фаолиятини молиявий бошқарув жараёнини ташкил қилиш орқали, давлат маблағларидан самарали фойдаланишни назарда тутди. Албатта молиявий бошқарув ҳам ўз

навбатида умумий бошқарувнинг тамойилларига асосланади ва ўз ичига бир қатор механизмларни олади. Шу жиҳатдан олганда бизнинг фикримизча, давлатнинг молиявий бошқаруви деганда ўз тасарруфидаги корхоналар ва давлат улуши бўлган хўжалик юритувчи субъектларда турли даражадаги пул фондларини шакллантириш, уларни тақсимлаш, улар билан боғлиқ молиявий ресурсларни ҳамда молиявий муносабатларни кўзланган мақсадга эришиш учун мақсадли равишда бошқариш жараён тушунилади. Албатта бунда бошқарувнинг замонавий тамойилларини қўллаб самарага эриши муҳим саналади. Давлат корхоналарида молиявий бошқарувнинг умумий хусусияти ҳамда молиявий муносабатларнинг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда молиявий бошқарув ҳам бошқа бошқарув жараёнлари сингари ўзаро боғлиқ ва кетма кетлик асосиша қурилган молиявий муносабатлар ва жараёнларнинг тизимидан иборат бўлади. Буни эса, қуйида келтириляётган расмдан кўриш мумкин(1-расм):




1-расм. Давлат корхоналарида молиявий бошқарув ва унинг элементлари [6]

Келтирилган расмдан кўринадики, давлат корхоналарида молиявий бошқарув ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш жараёни натижаси ўлароқ, маҳсулот (хизмат) таннархини бошқаришда таннархга кирувчи харажатларнинг зарурий даражада сарфланиши, унинг асоссиз ошиб кетишини ҳамда уни имкон даражада камайтириш орқали маҳсулотнинг сифатини оширишга эришишга қаратилган ўзаро боғлиқ иқтисодий-молиявий звеноларни молиявий жиҳатдан бошқаришни камраб олади. Маҳсулот таннархининг бошқарилишига қараб шакллантириладиган пул фондларига молиявий маблағлар йўналтирилади. Пул фондларини бошқариш эса, турли даражадаги пул маблағларини тўғри сарфлаш, уларнинг оқимини тўғри йўналтириш жараёнларини қамраб олади. Албатта бу жараён молиявий ресурсларни оптимал бошқарилишга ҳам боғлиқ бўлади. Умуман олганда пул фондлари ҳам молиявий ресурсларнинг бир тури сифатида бошқа молиявий ресурслар тўғри бошқарилса, пул фондларининг ҳажми ҳам ошиб боради. Hande Karadag “Financial Management Challenges In Small and Medium-Sized Enterprises:A Strategic Management Approach” деб номланган мақоласида “Давлат корхоналарида молиявий бошқарув жараёнида

иқтисодий ҳамда молиявий муносабатларни бошқариш ҳам катта аҳамиятга эга. Молиявий муносабатлар деганда давлат ўз улушига эга бўлган тижорат шаклидаги корхоналар билан иқтисодий-молиявий муносабатларини тўғри бошқарилишига алоҳида эътибор қаратиб боради.” деган фикрни айтиб ўтган.[6] Дарҳақиқат агар, давлатнинг молиявий маблағларидан фойдаланаётган хўжалик юритувчи субъектларда молиявий бошқарув самарасиз бўлса, ўз навбатида давлатнинг ўз улуши оладиган диведент, фоиз ва бошқа шаклда оладиган молиявий улушига ҳам салбий таъсир этади. Шу боисдан давлат бошқалар билан молиявий муносабатларини тўғри бошқаришдан жуда ҳам иқтисодий манфаатга эга бўлади.

Бундан ташқари давлат молиявий бошқарувида молиявий назоратни амалга ошириш орқали молиявий маблағларнинг мақсадли ва самарали фойдаланаётганлиги турли хил усуллар орқали бошқариб боради, албатта бунда молиявий назоратнинг самарали усулларини қўллаш катта аҳамият касб этиб боради. Молиявий муносабатлар кенг бўлиб, уларни тўғри бошқариш эса, турли хил молиявий рискларни бошқаришни ҳам талаб қилади. Давлат ўз тасарруфидаги корхоналар ва улуш қўшган корхоналарни молиялаштириш механизмларини амал қилишидаги турли хил молиявий хавфларни баҳолаб уларни юмшатиш ҳамда камайтиришни амалга ошириб бориш зарур бўлади. Агар, молиявий рисклар бошқарилмаса, молиялаштириш жараёнига катта салбий таъсир кўрсатади [7]. Демак, молиявий рискларни тўғри бошқариш учун молиявий бошқарувнинг бошқа звеноларида самарадорликни ошириш талаб этилади. Бундан кўринадики, давлат корхоналарида молиявий бошқарув жараёни ўзаро боғланган ва иқтисодий жиҳатдан бир бирини тақозо этадиган молиявий муносабатларни тўғри ташкил этиш, унинг йўналишларини бир маромда кетишини таъминлаш, уларга таъсир этувчи омилларнинг салбий таъсирини камайтиришга қаратилган молиявий қарорлар қабул қилишни тақозо этади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда давлат корхоналари ва давлат улуши бўлган корхоналарда молиявий бошқариш жараёнидаги ҳолатни илмий-назарий таҳлили бу жараёнда бир қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Бу муаммоларнинг мазмунини қуйида келтириляётган расм орқали изоҳлашга ҳаракат қиламиз (2-расм).



2-расм. Давлат корхоналарида молиявий бошқарув муаммолари

[8]

Агар, давлат корхоналарида молиявий бошқариш жараёнини такомиллаштириш бўйича ислохотлар йўналишларига эътибор қаратидан бўлсак, «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ва давлат унитар корхоналари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш, иқтисодиётда давлат иштирокини асосланган даражагача қисқартириш ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш борасида бир қатор амалий ишлар амалга оширилиб келинаётган бўлсада, молиявий бошқариш борасида қатор муаммолар сақланиб қолмоқда, бу эса, ўз навбатида давлат корхоналарида молиялаштириш механизмларига салбий таъсир этмоқда. Бундан ташқари устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ва давлат унитар корхоналарининг етарли даражада асослантirmасдан ташкил этилишига, шунингдек, тегишли тармоқ ва соҳалардаги бошқа корхоналарга нисбатан эксклюзив имтиёз ва афзалликларга эга бўлиши ҳам бу борадаги катта муаммолардан бири бўлиб қолмоқда [9]. Бу борадаги яна бир йирик муаммолардан бири бу давлат иштирокидаги корхоналарга корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этиш секин амалга оширалаётганлиги билан ҳам изоҳланади. Бугунги кунда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Давлат иштирокидаги

корхоналар учун корпоратив бошқарув бўйича тамойилларини жорий қилишга киришилди.

Бизнинг фикримизча, давлат корхоналарида замонавий бошқарув тамойиллари сифатида корпоратив бошқарув тамойилларини жорий қилиш натижасида биринчидан молиявий назорат самараси ошади, иккинчидан, мабалағлардан самарали фойдаланиш имконияти яратилади, учинчидан, давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятларининг акционерларининг манфаатлари ҳимоя қилиш ошади, давлатнинг иқтисодиётдаги устунлиги камайиб, рақобатбардошлик муҳити кучаяди.

Маълумотларга кўра, мустақиллик йилларида 33,0 мингдан зиёд давлат корхоналари ва объектлари хусусийлаштирилди. Бугунги кунда республикада 2 692 та давлат иштирокидаги тижорат ташкилотлари, шундан 1 133 та давлат унитар корхонаси, 1 124 та масъулияти чекланган жамияти ва 241 та акциядорлик жамияти иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатади. Республикадаги мавжуд 599 та акциядорлик жамиятларидан 42 фоизида давлат улуши бўлиб, жами акцияларнинг 84 фоизи давлатга тегишли, аҳолининг атиги 2 фоизидан ортиғи акцияларга эгаллик қилади. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти тамойиллари асосида ишлаб чиқилган Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув қоидалари давлат иштирокидаги 114 та корхонага жорий этилди. фуқаро авиацияси, энергетика тармоғида, кон-металлургия ва электротехника саноатида, йўл қурилиш соҳасида, қурилиш материаллари, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон Фармони асосида давлат иштирокидаги корхоналарда молиявий бошқарувни янада такомиллаштириш мақсадида корпоратив бошқарув ва молиявий аудит жорий этиладиган, операцион самарадорлиги ошириладиган давлат иштирокидаги корхоналар рўйхати шакллантирилди.

1-жадвал

Корпоратив бошқарув ва молиявий аудит жорий этиладиган, операцион самарадорлиги ошириладиган давлат иштирокидаги корхоналар рўйхати[10]

Т/р	Т/р	СТИР	Номи	Ташкилий-ҳуқуқий шакли	Худуд	Давлат улуши (%)
I		Металлургия тармоғи корхоналари (4 та)				
1	1	202328794	"Олмалиқ кон-металлургия комбинати" АЖ	АЖ	Тошкент вилояти	97,5
2	2	200460222	"Ўзбекистон металлургия комбинати" АЖ	АЖ	Тошкент вилояти	85,0
3	3	200638710	"Ўзбекистон рангли метал парчалари чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта	АЖ	Тошкент шаҳри	50,5

Т/р	Т/р	СТИР	Номи	Ташкилий-ҳуқуқий шакли	Ҳудуд	Давлат улуши (%)
			ишлаш заводи" АЖ			
4	4	304574612	"Тошкент металлургия заводи" МЧЖ	МЧЖ	Тошкент шаҳри	49,9
II		Нефть-газ тармоғи корхоналари (1 та)				
5	1	200202099	"Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи" МЧЖ	МЧЖ	Фарғона вилояти	100,0
III		Энергетика тармоғи корхоналари (3 та)				
6	1	200899410	"Ўзбекқўмир" АЖ	АЖ	Тошкент вилояти	90,1
7	2	200595949	"Ангрен иссиқлик электр станцияси" АЖ	АЖ	Тошкент вилояти	99,0
8	3	200595838	"Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси" АЖ	АЖ	Тошкент вилояти	99,6
IV		Ахборот технологиялари ва мобил алоқа тармоғи корхоналари (1 та)				
9	1	201788904	"Коском" МЧЖ	МЧЖ	Тошкент шаҳри	100,0
V		Меҳмонхона ва бошқа хизматлар (1 та)				
10	1	201121745	"Ўзэкспомарказ" АЖ	АЖ	Тошкент шаҳри	91,8
VI		Молия ташкилотлари корхоналари (6 та)				
11	1	303561424	"Фонд бозорининг ахборот-ресурс маркази" ДУК	ДУК	Тошкент шаҳри	100,0
12	2	201199814	"Тошкент республика фонд биржаси" АЖ	АЖ	Тошкент шаҳри	50,0
13	3	203021987	"Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси" ДУК	ДУК	Тошкент шаҳри	100,0
14	4	202602944	"Элсис-савдо" АЖ	АЖ	Тошкент шаҳри	60,4
15	5	200933985	"Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси" АЖ	АЖ	Тошкент шаҳри	26,0
16	6	201222058	"Ўзбекинвест экспорт-импорт миллий суғурта компанияси" ДУК	ДУК	Тошкент шаҳри	83,3
VII		Озиқ-овқат тармоғи корхоналари (3 та)				
17	1	200240495	"Андижон биокимё заводи" АЖ	АЖ	Андижон вилояти	96,0
18	2	200468069	"Биокимё" АЖ	АЖ	Тошкент вилояти	51,0
19	3	206922060	"Бектемир-спирт экспериментал заводи" АЖ	АЖ	Тошкент шаҳри	51,0
VIII		Йўл-транспорт инфратузилмаси тармоғи корхоналари (17 та)				
20	1	305630052, 300943875 ва бошқалар	"Йўлқурилиш" АЖ, "Трансйўлқурилиш" ДУК ва 15 та йўл қурилиш корхоналари	АЖ	Тошкент шаҳри	100,0
IX		Коммунал уй-жой қурилиш ва сув хўжалиги тизимидаги корхоналар (1 та)				
37	1	305642044	"Ўзсувқурилиш" АЖ	АЖ	Тошкент шаҳри	100,0
X		Транспорт соҳаси корхонаси (1 та)				
38	1	307257884	"Хумо аир" МЧЖ	МЧЖ	Тошкент шаҳри	100,0
XI		Қишлоқ хўжалиги корхоналари (1 та)				
39	1	200851795	"Агро кластер" МЧЖ	МЧЖ	Бухоро вилояти	99,5

Келтирилган жадвалдан кўринадики, республикада давлат ва унинг иштирокидаги корхоналарнинг 39 тасига корпоратив бошқарув ва молиявий

аудит жорий этиладиган, операцион самарадорлиги оширилиши мўлжалланган бўлиб, агар, уни тармоқлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, металлургия тармоғида корхоналаридан 4 тага, нефть-газ тармоғи корхоналаридан 1 та, энергетика тармоғи корхоналаридан 3 та, меҳмонхона ва бошқа хизматлар соҳасидаги 1 та, ахборот технологиялари ва мобил алоқа тармоғи корхоналаридан 1 та, молия ташкилотлари корхоналаридан 6 та, озиқ-овқат тармоғи корхоналаридан 3 та, йўл-транспорт инфратузилмаси тармоғи корхоналаридан 17 та, коммунал уй-жой қурилиш ва сув хўжалиги тизимидаги корхоналардан 1 та, транспорт соҳаси корхоналаридан 1 та ва қишлоқ хўжалиги корхоналаридан эса 1 та корхонага жорий қилиш режалаштирилиб амалга ошириомоқда. Бунда фармонга мувофиқ, давлат улуши миқдори, корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгарган тақдирда, давлат корхоналари ва хўжалик бирлашмаларини ислоҳ қилиш ўзгаришларни инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

Хулоса ва таклифлар

Амалга оширган тадқиқотларимиз асосида умумий хулосаларнинг мазмуни шундан иборатки, республикада давлат корхоналарини молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ислохотларнинг шиддатини оширишни тақозо этади. Давлат ва унинг иштирокидаги корхоналарни молиялаштириш механизмида фикримизча қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан; давлат ва унинг иштирокидаги корхоналарга бошқаришнинг корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этишда ваколатли органларнинг фаолиятини кучайтириш, уни мувофиқлаштиришнинг аниқ механизмларини белгилаб қўйиш лозим.

Иккинчидан; давлатнинг табиий монополияларга қўйган барча, жумладан молиявий активларидан оладиган даромадларини очиклаш ва шаффофлаштиришни йўлга қўйиш, молиявий активларни жойлаштиришдан олинган даромадларнинг давлат бюджетига жалб қилишнинг аниқ механизмларини белгилаб қўйиш керак.

Учинчидан; давлат иштирокидаги корхоналардан дивидентларни ҳисоблаш ва уларни давлат бюджетига жалб қилишнинг қонун ости ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Тўртинчидан; табиий монополия сифатида фаолият олиб борадиган ва уларнинг хизматларининг ижтимоийлигидан келиб чиқиб, бу турдаги давлат корхоналарига тараққиёт ва тикланиш фондидан субсидиялар ажратиш механизмини жорий этиб бориш керак, чунки бу турдаги давлат корхоналарининг фаолияти асосан фуқароларга хизмат қилади, молиялаштиришнинг бундай шаклини жорий этиш орқали аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш имконияти юзга келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Van Xorn Dj. Osnovi upravleniya finansami : per. s angl. M. : Finansi i statistika, 1996. - 433 s.
2. Gluxov V. V. Finansoviy menedjment / V. V. Gluxov, Yu. M. Baxramov. -SPb.: Spets. lit., 1995. 243 s. Goldshteyn G. Ya. Strategicheskie aspekti upravleniya NIOKR. Taganrog : TRTU, 2000. - S. 244.
3. Kravchenko K. “Osobnosti upravleniya krupnimi promshlennimi kompaniyami” // Problemi teorii i praktiki upravleniya. 2007. - № 11. - S. 25-30.
4. Toshmurodova B.E. “Soliqlar vositasida iqtisodiyotni boshqarish mexanizmi”. – T.: Yangi asr avlodi, 2002. – 128 b.
5. Elmiraev S.E. “Korporativ moliyani boshqarishda soliq munosabatlarini samarali tashkil etish masalalari”. Monografiya. T.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2017.- 159 b.
6. Hande Karadag. Financial Management Challenges In Small and Medium-Sized Enterprises: A Strategic Management Approach. “Emerging Market Journal” Volume 5 No 1 (2015) | ISSN 2158-8708 (online) | DOI 10.5195/emaj.2015.67 | <http://emaj.pitt.edu> | Page |26|
7. Titova, N., & Terentyeva, T. (2020). Principles of circular economy introduction in russian industry. *Universidad Y Sociedad*, 12(5), 203-208. Recuperado a partir de <https://rus.ucf.edu.cu/index.php/rus/article/view/1700> VOL 12
8. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «Davlat ishtirokidagi korxonalarni isloh qilishni jadallashtirish hamda davlat aktivlarini xususiylashtirishga oid chora-tadbirlar to‘g‘risida» 2020 yil 27 oktyabrdagi PF-6096-son Farmoni
9. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021 yil 29 martdagi 2021 — 2025 yillarda davlat ishtirokidagi korxonalarni boshqarish va isloh qilish STRATEGIYA SI
10. <https://davaktiv.uz/> maълumotlari asosida muallif tomonidan ishlab chiqilgan